

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2016 йил 19-сентябр 24- сентябргача)

№3

Тошкент – 2016

Владимир Путин Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасини ёд этиш маросимлари давом этмоқда. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 6 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Россия Федерацияси раҳбари Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримова ва қизи Лола Каримова-Тиллаевага чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорлик кенг қўламли ва самарали бўлиб, ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф Владимир Путиннинг Ислом Каримовга, Ўзбекистон халқига юксак ҳурматидан далолат беришини қайд этди. Ўзбекистон Ислом Каримов ва Владимир Путин асос солган мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини давом эттириши ва янада мустаҳкамлашини алоҳида таъкидлади. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти -Ислом Каримов Ўзбекистон учун, ўз халқининг фаровонлиги учун улкан ишлар қилгани, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлагани, бу мамлакат тараққиётига хизмат қилганини алоҳида таъкидлади. Россия давлатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини давом эттириш ва ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

Нурсултон Назарбоев Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замонамизнинг улуғ сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган буюк шахс сифатида бутун дунёда юксак обрў-эътибор қозонган эди. Хорижий мамлакатларнинг давлат ва сиёсат арбоблари, фуқаролари у кишининг вафотини чуқур қайғу билан қабул қилди, халқимизга ҳамдард бўлди. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Респуб-ликасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида 12 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислом Каримов руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди. Нурсултон Назарбоев Ислом Каримов кадрдон дўсти бўлганини, бир-бирини хашиша яхши тушунгани ва қўллаб-қувватлаганини, биргаликда халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаганини, Президентимиз Ўзбекистонда тинчлик ва фаровонликни таъминлаганини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистонликларнинг барча авлодлари Ислом Каримовни ҳурмат билан ёдга олишига ишончим комил. Унинг улуғвор мероси, давлат раҳбари сифатидаги фаолияти ўзбек халқи, Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилади, асрлар давомида ўрганилади. Ўзбекистоннинг тикланиши ва ҳар томонлама ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ошиши унинг номи билан боғлиқ. Ислом Каримов ўзбек халқини, Ўзбе-кистонни замонавий дунёга танитди. Биз ана шундай буюк инсондан айрилдик, — деди -Қозоғистон Президенти.

Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф -буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримовага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Респуб-ликаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатлар асосида тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев -Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевга халқимизнинг буюк фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф меҳр-оқибат ва аҳиллик айёми — Қурбон ҳайити кунларида амалга оширилгани Ислом Каримов билан -Нурсултон Назарбоевнинг муносабатлари, дўстлиги юксак даражада бўлганини намоён этди. Бу дўстлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничилик ва ҳамкорликка асос бўлганини, бундай яқин муносабатлар бундан кейин ҳам изчил давом этишини алоҳида таъкидлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Респуб-ликасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, унинг иқтисодиёти ва сиёсатини белгилаб берган улуғ давлат арбоби, ўзбек халқининг буюк фарзанди, дунё миқёсидаги лидер бўлганини алоҳида таъкидлади. Ислом Каримов халқаро анжуманларда ҳар доим ҳал қилувчи ўрин тутганини, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаганини, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги бу алоқаларни изчил давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

«Боинг – фуқаро самолётлари» компанияси президенти билан учрашув

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев 2016 йил 7 сентябрда «Боинг — фуқаро самолётлари» компанияси президенти Рэймонд Коннерни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов вафоти муносабати билан Р. Коннер «Боинг» компанияси номидан Ўзбекистон ҳукумати ва халқига чуқур ҳамдардлик билдирди.«Боинг» компанияси билан фуқаро авиацияси соҳасида эришилган юқори даражадаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлик мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов кўшма лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганининг самараси экани таъкидланди.

Бугун «Боинг» компанияси Ўзбекистоннинг йўловчи ташийдиган замонавий самолётлар етказиб бериш, улардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш борасидаги ишончли ҳамкоридир. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси айни пайтда 15 та «Боинг» самолётидан фойдаланмоқда. Миллий авиакомпаниямиз томонидан амалга оширилаётган барча

ташувларнинг ярмидан кўпи айнан ушбу ҳаво лайнерлари ҳиссасига тўғри келмоқда ва бу авиакомпаниямизнинг минтақадаги йирик ҳамда жадал ривожланаётган авиакорхоналардан бири сифатидаги ўрнини мустақамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида Миллий авиакомпаниямиз самолётлари сафига энг замонавий ва шинам «Боинг-787 Дримлайнер» ҳаво кемаси ҳам қўшилди. Мазкур лайнер шу йилнинг 5 сентябридан Урганч, Бухоро ва -Нукус шаҳарларига дастлабки парвозларни амалга оширган бўлса, келгуси ҳафтадан халқаро авиайўналишларга қатнай бошлайди. Жорий йилнинг ноябрь ойида эса Ўзбекистонга иккинчи «Дримлайнер» келтирилади. Мамлакатимизда, жумладан, Миллий авиакомпаниямиз ўқув-машғулот марказини комплекс тренажёр ускуналари билан таъминлаш орқали учувчи ва мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳамкорликда самарали ишлар олиб борилаётир.

Шу йилнинг январь ойида янги қўшма лойиҳа — «Ўзбекистон Эйрвейз Текникс» авиакорхонаси базасида замонавий самолётлар конструкциясининг йирик композит материалларини таъмирлаш бўйича минтақавий марказ ишга туширилди.

Рэймонд Коннер қўшма лойиҳалар қўллаб-қувватланаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди ва у раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли ҳамда самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини таъкидлади.

«Жаҳонда эътирофини топган «ўзбек модели» кенг кўламли муваффақиятларнинг асосидир»

Яқинда Шанхай халқаро тадқиқотлар университети ҳузуридаги Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази томонидан Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самараларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда Хитой эксперт-академик доиралари вакиллари ҳамда Шанхай халқаро тадқиқотлар университетининг Ўзбек тили кафедраси мутахассислари иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари мамлакатимизнинг суверен ривожланиш йилларида қўлга киритган кенг кўламли муваффақиятлари, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, демократик ислохотларнинг ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Давра суҳбати якунида унинг айрим иштирокчилари “Жаҳон” ахборот агентлиги учун интервью берди.

Ван Нин, Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази директори:

— Жорий йилнинг май ойида олий ўқув юртимиз делегацияси таркибида Ўзбекистонга боришга муяссар бўлган, мамлакатингиздан эса унутилмас таассуротлар билан қайтгандим. Чунки сафарим давомида юртингизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида изчил ривожланишнинг гувоҳига айландим. Қайд этиш жоизки, республикангизнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлидаги ишончли қадамлари юқори баҳога сазовордир.

Кенг миқёсдаги бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш юмушлари бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижалари, замонавий транспорт-коммуникация инфратузилмаси яратилгани, аҳоли фаровонлиги таъминлангани ўзбекистонликларнинг юз-кўзларида яққол акс этиб турганини кўрдим.

“Ўзбек модели” номи билан жаҳонда эътирофини топган тараққиёт йўли, шубҳасиз, бу муваффақиятларнинг асоси ҳисобланади.

Чжан Цзили, Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази ижрочи директори:

— Мен мамлакатингиз қўлга киритган ютуқлардан яхши хабардорман. Ўзбекистонга бир неча маротаба борган чоғларимда республикани модернизациялаш ва янгилаш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг гувоҳи бўлганман.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари сафидан жой олиш мақсадида демократик ўзгаришлар йўлидан ишонч билан бормоқда. Шубҳасиз, бунинг учун республика зарур салоҳиятга эга. Эришилган марралар эса ҳар томонлама пухта ўйланган ислоҳотлар стратегиясининг, иқтисодиётни либераллаштириш ҳамда диверсификациялашнинг ёрқин натижасидир.

Биз Ўзбекистонда кўпгина йирик инфратузилма лойиҳалари Хитой компаниялари иштирокида амалга оширилаётганидан хурсандмиз. Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва ундаги Қамчиқ туннели қурилишини икки томонлама муваффақиятли ҳамкорликнинг мисоли сифатида кўрсатиш мумкин.

У Айжун, Шанхай халқаро тадқиқотлар университетининг Ўзбек тили кафедраси мудири:

— Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқларга Хитой жамоатчилиги катта қизиқиш билан қарабини ҳисобга олиб, ана шу жараёнлар ҳақидаги мақолалар олий ўқув юртимизнинг веб-саҳифасига мунтазам равишда жойлаштирилади. Ўйлайманки, ўзбек халқи забт этаётган марралари билан фахрланишга ҳақлидир.

Мамлакатингизнинг иқтисодиёт барқарор ривожланишини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича тажрибаси хорижлик мутахассислар томонидан фаол ўрганилмоқда. Жалб этилаётган чет эл сармоялари, шу жумладан, Хитой капиталининг ҳажми тобора ортиб бораётгани бу йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлигининг тасдиғидир.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А